

Бир ҳадисдаги бир неча илмий мўъжизалар



18:32 / 24.08.2020 4025

Улуғ бир ҳадиси шариф бор, бирорта одам ўша ҳадис ўз ичида илмий мўъжизалардан баъзисини сақлаб келаётганини билмаса ҳам керак. Бир илмий тадқиқотга кўзим тушди. Унда қуйида зикр қилинадиган ҳадис шарҳ қилиб берилган. Фақат МРТ тили билан.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«...Сизлар ёлғондан ҳазир бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни истайверишда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида каззоблардан, деб ёзилади»**, дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.



Ушбу ҳадиси шарифда ёлғонни такрор гапиравериш охири ёлғондан ҳам каттароқ гуноҳ – фужурга олиб бориши таъкидланмоқда. Инсон бошида онда-сонда ёлғон гапиради. Бу иш бориб-бориб одатга айланади. Вақт ўтиши билан ушбу одати уни фужурга етаклайди. Бунда у бошқаларга озор бериш, азият етказишга ўта бошлайди. Олимларнинг сўнгги йилларда кашф қилган ҳақиқатлари ҳам мана шу.

2016 йилда Nature Neuroscience (Нейробиологик илмий журнал)нинг 19-сонида ноёб тадқиқот эълон қилинди. Унда олимлар ёлғон гапирувчи кимсанинг миясини МРТ орқали тасвирга олдилар ва мия ўша шахснинг

ёлғон гапларига дарҳол жавоб қайтаришини ва бу ҳол охири мия унинг жинойий истакларига мойил бўладиган бўлиб қолишини аниқладилар.

Олимлар ўтказган ушбу тадқиқотда ёлғон гапирувчи кимсанинг мияси тасвирга олинди. Аввалбошда мия ёлғон гапга дарҳол реакция билдирар, инсон ёлғон гапни кўп гапираверса, миянинг дарҳол реакция билдириши пасайиб борар, охири мия ёлғон гапга реакция билдирмай қўяр, аксинча, каззоб кимсанинг жинойятларига мойил бўлиб қолар экан. Демак, бошида онда-сонда ёлғон гапирган кимса ёлғон гапларни кўпайтиргани сабабли охирида одамларга озор берадиган фожирга айланиб қолар экан.

Илмий тажриба натижалари такрорий ёлғонлар кишини одамларга азият берадиган кимсага айлантиришини аниқ кўрсатиб турибди. Бу эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фужур дея таъбир қилган ҳолатнинг кўринишидир. Ёлғон гапирувчи кимса сизга сўзи билан озор беради, алдайди. Лекин фожир барча хатти-ҳаракатлари билан сизга озор беради.



Ушба тасвир МРТда олинган. Унда мия ёлфонга нисбатан қандай реакция билдириши ва инсон кўп ёлфон гапираверса, ушбу реакция ҳам пасайиб бориши тасвирланган. Ҳатто мия улкан жиноятларга мослашиб қолиши кўрсатилган. Инсон қанча кўп ёлфон гапираверса, мияси ёлфонга реакцияни шунча тез пасайтириб, жиноятга мослашиб қолади. Миядаги баъзи ҳудудлар бориб-бориб гуноҳни ҳис қилмай қолар экан.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

?????? ?????? ?????? ?????????? ???????????????

????????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????????

«Йўқ! Агар қайтмаса, пешонасидан шиддатла тутамиз. Ёлфончи, хатокор пешонасидан» (Алақ сураси, 15-16 оятлар).

Ушбу оятда пешона «**ёлфончи**», «**хатокор**» дея сифатланмоқда.

Олимлар шунингдек, миянинг олд пешона қисмини ҳам ўргандилар. Ушбу қисм ёлфон, хато, алдов ва адаштириш каби жиноятларни бошқарадиган ҳудудлиги аниқланган. Мана шу ҳудуд ёлфон кўп гапирилгандан, унга одатланилгандан сўнг умуман реакция билдирмай қўяр экан. Бу эса каззоб кимса бошқаларни алдаш, адаштиришни одат қилиб қолишига олиб келар экан. Чунки миянинг жиноятларни бошқарувчи қисми гуноҳга нисбатан сезгирлигини йўқотади. Бунинг оқибатида фужур, турли жиноятлар мия томонидан одатий иш деб қабул қилинадиган бўлиб қолади. Жиноятларни, гуноҳларни тўхтовсиз қилган кимса, охири ҳалокатга юз тутади.

Бу эса махсус қурилмаларда ўтказилган текширишлар орқали бугунги кунда аниқланган илмий ҳақиқатни, яъни миянинг олд қисми ёлфон, хато ва бошқа жиноятларни бошқарувчи ҳудуд эканини Қуръони Карим бундан ўн тўрт аср олдин айтиб қўйганини кўрсатади.

Тадқиқот яна шуни аниқладики, ёлфончилик натижасида кишидаги раҳм-шафқат туйғуси ҳам озайиб кетар экан. Киши гуноҳга одатлангач, мия ўз реакциясини йўқотгач, инсон жиноят қилаётгани, бошқаларга азият бераётганини сезмайдиган, ҳис қилмайдиган бўлиб борар экан. Фужур

босқичига етган ёлғончи одамларнинг қалбларига озор бериб, уларни ранжитаётганига парво қилмас экан. Ундай кимса зулмга, бошқаларни камситиш, хўрлашга, танага жароҳат етказишга журъат қиладиган бўлиб қолар экан.

Буни қарангки, тадқиқот хулосасидан сўнг олимлар кишиларга ёлғон гапирмасликни, одамларни алдаб, адаштирмасликни, онда-сонда гапирилган ёлғон охири катта ёлғонларга ва улкан жиноятларга олиб боришини таъкидлаб, инсонларни ростгўй бўлишга, доимо рост гапиришга тарғиб қилмоқдалар. Чунки ростгўй кишининг мияси хато, бераҳмлик, жиноятга нисбатан ўта сезгир ва тез реакция билдиради, бу эса жамиятда жиноятларнинг камайишига хизмат қилади.

Субҳаналлоҳ! Ахир бу айтилганлар бундан ўн тўрт аср олдин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларига баён қилган ҳақиқатлар эмасми?! Энди юқоридаги ҳадиснинг тўлиқ матни билан танишайлик:

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар ростгўйликни лозим тутинглар. Чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапираверса ва ростгўйликни истайверишда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида сиддиқлардан, деб ёзилади. Сизлар ёлғондан ҳазир бўлинглар. Чунки ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверса ва ёлғончиликни истайверишда бардавом бўлса, Аллоҳнинг ҳузурида каззоблардан, деб ёзилади»**, дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Ҳадисни ўқидик, хўш нима дейиш мумкин? Нима дердик, албатта, Пайғамбаримизга саловот ва салом айтамыз!

Албатта, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг ҳақ Расулидирлар. Аллоҳ таоло у зотга кўплаб саловот ва саломлар юборсин!

***Абдуддоим Каҳел мақоласи ва интернет маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***